



ДЕПУТАТЛАР ХУДУДЛАРДА



Сайловчилар билан учрашув... Бу шунчаки муаммо ва таклифларни тинглаш эмас. Бу — халқнинг кўзига қараш, уларнинг дардини ҳис этиш, айтилмаган гапларини ҳам тушунишга ҳаракат қилишдир. Zero, халқ вакили бўлиш — халқ орасига киришдан бошланади. Уларнинг дардига ечим излаш билан эса ўзининг ҳақиқий мазмунини топади. Депутатларимизнинг сайловчилар билан бу галги учрашувларини кузата туриб, шунга амин бўлдик.

► (Давоми 4-бетда)

ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР — ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ ЁНДАШУВ

ЯЛПИ МАЖЛИС



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Баҳс, таклиф, савол ва аниқ вазифалар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кун тартибига киритилган масалалар юзасидан депутатлар фаол позиция билдирди.

Энг муҳими, парламент минбарида айtilган ҳар бир фикрнинг ўз манзили бор. Яъни у ҳаётга, одамлар турмушига бориб тақалади. Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳаларининг ҳар бири ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

СИЁСИЙ ПУЛЬС

Камбағалликни қисқартириш сиёсати: СЎЛ ҚАНОТ ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИК

Мамлакатимизда жадал суръатдаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида камбағалликни қисқартириш тизимида комплекс ёндашув шаклланди. Бу ёндашув аниқ манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш баробарида эҳтиёжманд қатламни камбағаллик ҳолатидан чиқариш, улар учун муқим даромад манбаини яратиш, касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирларини қамраб олгани билан беҳад аҳамиятли.

Бу ўринда айни жараён Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан чуқур ҳамоҳанг эканини

таъкидламоқ жоиздир. Зотан, партиянинг 2024 йилги Сайловолди дастурида ҳам ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида жамиятда ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

3 сентябрь куни давлат раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари муҳокама қилинган видеоселектор йиғилиши шуниси билан диққатга сазоворки, унда мазкур жабҳада рўйбга чиқарилган тажриба ва натижалар, мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, янги ташаббуслар илгари сурилди.

► (Давоми 3-бетда)

СЎРОВ, НАТИЖА, ТАҲЛИЛ

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИ



→ 5

ҒУРУР



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТИ

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИК

→ 6

МУЛОҲАЗА

ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТИББІЙ КЎРИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ...



→ 7

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

САНОАТ ВА РАДИАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мажлисда саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига саноат, радиациявий ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳаларида давлат назорати тизимини, ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Қолаверса, кейинги йиллардаги маъмурий изоҳотлардан келиб чиқиб, бир қатор қонунларда ваколатли органларнинг ваколатлари, ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада превентив чораларни кучайтириш, хусусан, «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллашга оид қоидалар назарда тутилмоқда. Бу соҳадаги субъектлар масъулиятини ошириш ва қонунчилик талабларига риоя этилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, депутатлар таклиф ва тавсиялари асосида ҳужжат матни янада такомиллаштирилгани қайд этилди. Хусусан, табдиркорлик субъектлари манфаатларини инобатга олган ҳолда айрим нормалар лойиҳадан чиқарилгани, шунингдек, ундаги қатор нормалар амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилиб, мазмунан аниқлаштирилгани ва тахририй жиҳатдан такомиллаштирилгани таъкидланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАНАДИ

Мажлисда «Судьяларнинг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш ҳамда суд ҳоқимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан судьялик лавозимига номзодлар учун айрим талаблар қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, судья ва халқ маслаҳатчилари учун ёш цензини 35 ёшдан 30 ёшга тушириш кўзда тутилган.

Судьяни дастлаб 5 йилга, кейин эса муддатсиз даврга тайинлаш тартибини жорий этиш, судья, суд раиси ва раис ўринбосари лавозимларига қўйиладиган талабларни қулайтириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳада судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ нормалар акс эттирилмоқда.

Лойиҳа билан «Истеъфодаги судья» институти миллий қонунчиликка татбиқ этилмоқда. Истеъфодаги судьяга бошқа ҳуқуқлар қаторида профессионал медиаторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақдим этилмоқда.



Бундан ташқари, Олий суд ва қўйи судлар аппарати фаолиятини янада самарали ташкил этишга доир айрим нормалар киритилмоқда.

Халқ вакиллари томонидан қонун лойиҳаси билан белгиланаётган нормаларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашга қаратилган таклифлар билдирилди.

Мажлис якунида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказишга келишиб олинди.

“

УШБУ ҲУЖЖАТ БИЛАН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА ҲИСОБДОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ, ХАРИДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ШАФФОФЛИК ВА ҲИСОБДОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Давлат маблағларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, давлат харидлари жараёнларида шаффофлик ва очикликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда давлат буюртмачилари фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйиш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий механизмларни кучайтириш ва харид жараёнларида иштирок этувчи субъектларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Ушбу ҳужжат билан давлат харидлари соҳасида ҳисобдорликни кучайтириш, харидлар

тўғрисидаги маълумотларнинг очиклигини таъминлаш ҳамда давлат буюртмачилари фаолияти устидан назорат механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, давлат харидларида сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ҳудудлар кесимида эълон қилиб бориш таклиф этиляпти. Бу орқали давлат харидларининг ҳудудлар бўйича ҳолатини таҳлил қилиш, қайси турдаги товар ва хизматларга талаб юқори эканини кузатиб бориш ҳамда харид жараёнларининг очиклигини ошириш имконияти яратилади.

Лойиҳада давлат харидлари устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат бюджетни ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар таркибига давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари натижаларини киритиш ҳам назарда тутиляпти.

Бунда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ҳисоботларда алоҳида акс эттириш белгиланмоқда. Бу депутатларга бюджет маблағларининг давлат харидлари орқали қандай сарфланаётганини тизимли таҳлил қилиш, харид усуллари ва натижаларини баҳолаш ҳамда зарур ҳолларда парламент назорати чораларини қўллаш имкониятини кенгайтиради.

Қонун лойиҳасида давлат харидлари жараёнида табдиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, табдиркорларнинг давлат харидлари жараёнида юзага келадиган шикоятларини жойларда тезкор кўриб чиқиш мақсадида Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг доимий фаолият юритувчи ҳудудий комиссияларини ташкил қилиш таклиф этилмоқда. Бу эса шикоятларни жойларда тезроқ кўриб чиқиш, низоларни қисқа вақтда ҳал қилиш, табдиркорларнинг вақт ва харажатларини тежашга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиклигини ошириш, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ахборотларни парламент назорати доирасига киритиш ҳамда табдиркорлар шикоятларини тезкор кўриб чиқиш механизмларини кучайтириш давлат харидлари тизимида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар давлат харидларида соғлом рақобат муҳитини кенгайтириш, табдиркорлик субъектларининг харид жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш ҳамда бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга қаратилган.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ ЖАВОБИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Боланинг мусиқага, санъатга ёки рақсга бўлган қизиқиши — унинг келажакдаги истеъдоди ва ижодий салоҳиятини намоён этиш учун дастлабки қадамдир. Бу қадамни қўллаб-қувватлаш эса, аввало, сифатли таълим, замонавий шароит ва зарур жиҳозлар билан таъминланган мусиқа ҳамда санъат мактабларидан бошланади. Бугун юртимизда минглаб ёшлар ана шундай даргоҳларда ўз қобилиятини ривожлантириб, миллий санъатимиз анъаналарини ўрганмоқда. Бироқ болаларга муносиб таълим бериш учун фақат истеъдод ва хоҳишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун замонавий ўқув базаси, соз ва яроқли мусиқа чолғулари, сифатли ўқув адабиётлари ҳамда малакали педагоглар ҳам зарур.

Шу боис депутатлар томонидан «Болалар мусиқа, санъат ва ихтисослаштирилган мактабларидаги таълим сифатини ошириш, уларнинг зарур жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати тўғрисида» парламент сўрови юборилган эди. Мажлисда маданият вазирининг ушбу парламент сўровига жавоби атрофлича кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, сўнгги йилларда қабул қилинган 20 дан ортиқ Президент фармон ва қарорлари асосида соҳанинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланиб, 8 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 22 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, малака ошириш маркази ҳамда илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, депутатлар эътибор қаратганидек, соҳада таълим сифатини янада ошириш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мусиқа чолғулари ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш, тор ихтисосликлар бўйича педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш каби масалалар долзарблича қолмоқда.

Парламент сўровига жавобда ҳудудларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилган. Жумладан, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида ихтисослаштирилган бошланғич рақс санъати мактаб-интернатлари фаолияти йўлга қўйилган. Урганчдаги муассаса биноси реконструкция қилиниб, зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Намангандаги мактаб-интернат биносини эса қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, 2027–2029 йилларда Қаршидаги мактаб-интернат ўқув биноси қурилишига 5 миллиард сўм, Бухородаги ихтисослаштирилган санъат мактаби ва ётоқхонаси қурилишига 7 миллиард сўм, Намангандаги муассасани капитал таъмирлаш бўйича лойиҳа-кидирув ишларига 500 миллион сўм йўналтириш белгиланган.

Мажлисда таълим муассасаларининг мусиқа чолғулари билан таъминланганлик ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлик маълумотига кўра, 2025-2026 ўқув йили якуни бўйича ўтказилган хатловда болалар мусиқа ва санъат мактабларидаги 1 229 та миллий ва 1 483 та Европа мусиқа чолғуси маънан эскирган ёки фойдаланишга яроқсиз экани аниқланган. Айни пайтда муассасаларда жами 9 779 та мусиқа чолғусига эҳтиёж мавжуд бўлиб, уларни харид қилиш учун 115,9 миллиард сўм талаб этилади.

Эҳтиёжни босқичма-босқич қоплаш мақсадида 2023–2025 йилларда 5,7 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 4 789 та миллий мусиқа чолғуси харид қилинган. 2026 йилда эса 27 та мактабга 71 та фортепиано етказиб берилган. Бундан ташқари, 6,4 миллиард сўм эвазига 19 номдаги 158 минг нусха ўқув адабиётлари ва нота тўпламлари тарқатилган.

Келгусида мактабларни ўқувчилар контингенти ва ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда манзилли жиҳозлаш режалаштирилган.

Мажлисда санъат таълими сифатини таъминлашда педагоглар ва концертмейстерларнинг касбий маҳорати ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шу мақсадда олис ҳудудларга малакали мутахассисларни жалб қилиш, тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда педагогларни моддий рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Президентнинг тегишли Фармони билан нуфузли танловлар ғолибларини тайёрлаган педагогларга бир йил давомида 100 фоизгача, 2026-2027 ўқув йилидан эса ўқувчиларнинг ижрочилик даражасидан келиб чиқиб ҳар ойда 20 фоизгача устама тўлаш белгиланган. Шунингдек, педагоглар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини умумий ўрта таълим муассасалари педагоглари даражасига тенглаштириш назарда тутилган.

Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. 2025 йилда 1 063 нафар, 2026 йил август ҳолатига 703 нафар педагог малака ошириш курсларидан ўтган. 2025–2026 йилларда аттестация натижаларига кўра, 5 680 нафар педагогнинг малака тоифаси оширилган.

Соҳада бошқарув жараёнларини рақамлаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Маданият ERP» ахборот тизими орқали ўқувчиларни қабул қилиш, уларни синф ва гуруҳларга тақсимлаш, педагогларга бириктириш, ўқув юкнамалари ҳамда кадрларга оид маълумотларни электрон юритиш имконияти яратилган.

Тизимни Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва «UzASBO» билан интеграция қилиш эса бошқарув жараёнларининг шаффофлиги ва самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Муҳокамаларда депутатлар соҳада амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш суъратиини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Хусусан, мактаблар қувватини мавжуд талабга мос равишда кенгайтириш, таъмирталаб муассасаларни манзилли дастурларга киритиш, яроқсиз мусиқа чолғуларини босқичма-босқич янгилаш, педагог ва концертмейстерлар етишмовчилигини бартараф этиш ҳамда рақамлаштириш ишларини якунига етказиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Мажлисда парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича вазирлик томонидан атрофлича маълумотлар тақдим этилгани қайд этилиб, вазирнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Республикада камбағаллик даражасининг йил бошидаги 5,8 фоиздан бугунга келиб 3,9 фоизга тушгани, эхтиёжманд аҳоли сони эса 2,2 миллиондан 1,5 миллион нафарга камайгани ижтимоий сиёсатда дадил ўзгаришлар амалга ошайётганини аққол тасдиқлайди. Худудлар кесимида 49 та туман ва 3 минг 429 та маҳаллада ишсизлик ва камбағалликни бартараф этиш бўйича ижобий натижалар қайд этилгани қувонарли, албатта.

Йиғилишда маблағ ва ресурснинг ўзи етарли эмаслиги, дейлик, бир хил ҳажмда ресурс олган худудларда натижаларнинг кескин фарқ қилиши бу масалада бошқарув сифати, лойиҳаларни танлаш, тадбиркорлик мухити ва маҳалладаги масъул ходимларнинг салоҳияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани айтиб ўтилди.

Келтирилишича, камбағалликни қисқартириш мақсадлари учун Шароф Рашидов ва Қарши туманларининг ҳар бирига 2 триллион 300 миллиард сўмдан кредит ресурси берилган. Аммо тегишли равишда биринчи туманда 30 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилган бўлса, Қарши туманида бу кўрсаткич 13 минг нафарни ташкил этган. Демак, эндиликда “Қанча маблағ берилди?” деган саволдан кўра “Қанча одам барқарор даромадга эга бўлди?” деган савол муҳимроқ.

КРЕДИТ ЭМАС, ДАРОМАД АСОСИЙ МЕЗОН

Сўнгги уч йилда маҳаллалардаги тадбиркорлик лойиҳалари учун 314 триллион сўм ресурс ажратилган. Бироқ айрим худудларда кредитлар самарадорлигининг пастлиги, бизнес лойиҳаларининг тўхтаб қолиши ва қарздорликнинг ортиши молиявий ресурсни инсоннинг иқтисодий салоҳияти билан боғлаш зарурлигига ишора қилмоқда. Охириги бир йилда ташкил этилган 86 мингта кичик корхонанинг 15 мингтаси фаолиятини тўхтатгани, 62 минг нафар фуқаро эса олган кредитларини қайтаришда қийналаётгани бунга далилдир.

Кредит бериш билан қўли калта инсонларни камбағалликдан чиқариб бўлмайди. Яъни аҳоли ва тадбиркорга фақат маблағ эмас, балки бозор, технология, касб, бизнес режа ва сотув занжирини қамраб олган комплекс ечим таклиф қилиш зарур.

Дарвоқе, бу ёндашув ҳам ЎзХДПнинг ижтимоий адолат ғоясига мос келади. Чунки инсонларга бир марталик ёрдам бериш эмас, уларнинг ўз меҳнати,

Камбағалликни қисқартириш сиёсати: сўл қанот ғоялари билан уйғунлик

жисмоний ва ақлий салоҳияти билан муносиб даромад топиши учун барча имкониятни таъминлаш ҳаётий зарурат.

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ИНСОН МАНФААТИ ТУТАШГАН НУҚТА

Камбағалликни қисқартиришда маҳаллага катта ваколат ва ресурсларнинг берилиши эндиликда кўзда тутилаётган янги тизимнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Энди асосий вазифа юқоридан умумий кўрсатма бериш эмас, балки ҳар бир оиланинг шароити, эхтиёжи ва салоҳиятидан келиб чиқиб ишлашга кўпроқ боғланмоқда.

Янги тизимга кўра, вилоят, туманларда махсус штаблар ташкил этилиб, банклар, бандлик идоралари ва иқтисодий тузилмаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда даромадини ошириш бўйича фаолияти бир жойда мувофиқлаштирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, ресурс ва қарор қабул қилиш ваколатларининг туман даражасига туширилиши худудларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланишга замин яратади. Туман штабларига оилавий ва ёшлар тадбиркорлиги бўйича кредит ресурсларини бошқариш ваколатининг берилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, марказлашган ресурсни маҳаллий эхтиёж билан уйғунлаштириш самарадорлики ошириши мумкин, аммо бунинг учун маҳаллий бошқарувнинг масъулияти ҳам мутаносиб равишда ортиши лозим.

Шу маънода ЎзХДПнинг депутатлик ва жамоатчилик назоратидаги вазифаси ҳам долзарблашади. Ресурс маҳаллага туширилган экан, унинг қандай сарфланаётгани, қайси лойиҳалар молиялаштирилаётгани ва бу маблағлар қанча оиланинг реал даромадини ошираётганини баҳолаш механизмлари ҳам кучли бўлиши керак.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ БОР, АММО...

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларининг реал амалий натижаси Хоразм вилояти мисолида ўрганилгани,

аниқроғи, яъни 19 минг оиланинг шароити билан яқиндан танишилгани, улар таркибида 12 минг нафар ишсиз ва 10 минг нафар даромади паст аҳоли борлиги аниқлангани қайд этилди. Қизиги, шундай шароитда худудда қурилиш, хизмат кўрсатиш ва саноат соҳаларида минглаб бўш иш ўринлари мавжудлиги кузатилган.

Бу маълумотлар камбағаллик муаммосининг яна бир муҳим жиҳатини очиб беради: иш ўрни бор, аммо ишчи унга мос эмас, ишчи бор, аммо унинг кўникмаси бозор талабига тўғри келмайди.

Демак, муаммонинг ечими фақат янги иш ўринларини яратишда эмас. Меҳнат бозори талабини, касбий тайёргарлики ва аҳолининг имкониятларини бир тизимга бирлаштириш зарур. Бунинг учун касбга ўқитиш тизими меҳнат бозоридан орқада қолмаслиги керак. Қайси худудда қайси мутахассисга талаб юқори бўлса, ўша йўналишда тайёргарликини кучайтириш лозим.

Бундан ташқари, Хоразмда ўрганилган эхтиёжманд оилаларда 48 минг нафар бола борлиги ва уларни ҳозирдан касб-ҳунар ҳамда замонавий кўникмаларга йўналтириш кераклигига ҳам эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки оиладаги етишмовчилик ўз-ўзидан фарзандлар таълими, касб-ҳунар кўникмаларини эгаллашига таъсир кўрсатмай қолмайди. Мана шундай оилаларда вояга етаётган болаларнинг келажагига сармоя киритиш жамиятда камбағалликни бартараф этишнинг энг узок муддатли механизмларидан экани кундек равшан.

Келгуси йилдан Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларининг давлат ва хусусий боғча тўловлари, ўқув марказларида таълим олиш харажатлари, йўлқираси ҳамда олий таълим муассасаси ётоқхонаси учун тўловлар ваучер асосида қоллаб бериш тизими йўлга қўйилиши камбағалликни қисқартиришда жиддий қадамлардан бири бўлади, десак янглишмаймиз. Ваучер 12 ой муддатга берилиб, оила Ижтимоий реестрдан чиқарилганидан кейин ҳам белгиланган муддат охиригача амал қилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ҲАМ МУҲИМ

Камбағалликни қисқартиришда хотин-қизларнинг иқтисодий

фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга. Йиғилишда Хоразмда камбағал оилалардаги 10 мингдан зиёд аёл фарзанд парвариши билан банд экани, уларнинг уйида ёки маҳаллада даромадли меҳнат қилиши учун шароит яратиш, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш орқали опа-сингилларимизнинг меҳнат бозорида ўрин топишига кўмаклашиш вазифаси қўйилгани бизга бир ҳақиқатни намоён этади. Бу ерда ижтимоий ва иқтисодий сиёсат бир нуктада кесилиб, аёлларга меҳнат қилиш имкониятини яратиш орқали оилалар даромадининг узок муддатли манбасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Камбағалликни қисқартириш сиёсатида оила, бола парвариши, мактабгача таълим ва бандлик масалалари бир-биридан ажратилмаслиги ғоятда мақбул ечим.

Камбағалликни фақат оила даромади билан ўлчаш ҳар доим ҳам унинг ҳақиқий ижтимоий ҳолатини тўлиқ акс эттирмайди. Оилада ногиронлиги бўлган шахс, сурункали касалликка чалинган инсон, кўп фарзандлилик ёки меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг хорижда бўлиши каби омиллар ҳам оиланинг реал эхтиёжини белгилайди.

Шу сабабли Ижтимоий реестрга киритиш мезонларини кўп ўлчовли баҳолаш тизимига ўтказиш режалаштирилган.

Бу ўзгаришни ижтимоий адолат нуктаси назаридан баҳоласак, манзиллиликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини қўриш мумкин.

Шунингдек, йиғилишда туманлар ихтиёрига жами 3 триллион 200 миллиард сўм ресурс берилиши ва маблағларнинг аниқ натижа бериши асосий мезон этиб белгиланиши маълум қилинди. 8 минг 992 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари фаолияти қайта баҳоланиб, уларга бизнес лойиҳасини тайёрлаш, молиялаштириш воситасини танлаш ва тадбиркор билан ишлаш кўникмалари ўргатилиши ҳам назарда тутиляпти.

ЎЗХДП УЧУН ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР ДОЛЗАРБ?

Данагул БЕРДАЛИЕВА,
халқ депутатлари Навоий
вилоят Кенгаши депутати:
-Камбағалликни

қисқартиришнинг янги босқичи ЎзХДП олдига ҳам янги вазифаларни қўяди.

Камбағалликдан чиқарилган оилалар сонининг ўзи етарли мезон эмас. Уларнинг қанчаси барқарор ишга эга бўлгани, даромади қанчага ошгани ва бу ҳолат қанчалик барқарор экани ҳам таҳлил қилиниши зарур.

Иккинчидан, депутатлик назоратида кредит ва субсидияларнинг ҳажми билан бирга уларнинг ижтимоий самарадорлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, меҳнат бозори ва касбий таълим ўртасидаги боғлиқликини кучайтириш партиянинг бандлик сиёсатида муҳим йўналиш бўлиши мумкин.

Эхтиёжманд оилалар фарзандларининг таълим ва касбий имкониятларини кенгайтириш орқали камбағалликнинг қайсидир маънода «мерос» шаклида ўтишининг олдини олишга қаратилган чораларни қўллаб-қувватлаш зарур. Хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кўп болали оилалар ва бошқа ижтимоий эхтиёжманд қатламлар учун умумий эмас, балки уларнинг ҳолатига мос ечимлар ишлаб чиқилишига эътибор қаратиш муҳим.

Йиғилишда билдирилган янги ташаббуслар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш сиёсати сифат жиҳатдан юқори босқичга кираётганини кўрсатади. Бу сиёсат негизида фақат ижтимоий ёрдам эмас, балки инсонни меҳнатга, тадбиркорликка, касбга ва барқарор даромадга олиб чиқиш вазифаси тургани шубҳасиз.

Қолаверса, янги ёндашувлар ЎзХДПнинг ижтимоий адолат, тенг имконият ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ғояларини амалий мазмун билан бойитади.

Ҳар бир инсоннинг ўз пешона тери ва интилиши эвазига муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ижтимоий ислохотларнинг ҳаётбахшлигини кафолатлайди.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

НУҚТАИ НАЗАР

Дунё нуфусининг салмоқли қисмини ташкил этувчи, башарият келажагида ҳал қилувчи ролга эга ёшлар овозини эшитиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва қонун ҳужжатлари қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш замонавий жамият тараққиётининг шартларидан бирига айланмоқда. Айни жиҳатдан, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқ Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси нафақат ёш парламентарийлар учун тажриба алмашиш, балки жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалар юзасидан фикр ва ғояларни, эзгу мақсадларни илгари суриш учун муҳим платформа бўлди. Шундай қилиб, асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган, турли цивилизациялар ва маданиятлар чорраҳаси саналган Самарқанд Ер юзининг турли нуқталаридан илғор сиёсий тафаккурли ёшларни ўз бағрига чорлади. Мазкур конференциянинг амалий аҳамияти ҳақида Ўзбекистон ХДПнинг ёш вакиллари қуйидагиларни баён қилди.



Шохрух ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси
ўринбосари:

— Самарқанд шаҳрида ўтган глобал конференцияда кузатувчи сифатида иштирок этиш асносида янги дунёда ёшлар масаласи ва инсон ҳуқуқларига муносабат қай даражада ўзгараётганини яна бир қарра хис қилдим.

Ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштироки фақатгина сайловларда овоз бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар қонун ижодкорлиги, давлат бошқаруви, жамоатчилик назорати, ижтимоий ташаббуслар ва халқаро мулоқот жараёнларида ҳам фаол катнашиши зарур. Шу маънода конференция доирасидаги муҳокамаларни алоҳида урғулаган бўлар эдим.

Турли давлатлардан келган ёш парламент аъзолари тажрибаси шуни кўрсатадики, навқирон авлоднинг сиёсий жараёнларга жалб этилиши демократик институтлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатади. Энг муҳими, ёшлар ҳақида ёшлар иштирокисиз

қарор қабул қилмаслик тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилади. Таълим ва бандлик, замонавий касбларни эгаллаш, рақамли имкониятлардан фойдаланиш, уй-жой, соғлом муҳит, ижтимоий ҳимоя, гендер тенглиги, ахборотга эга бўлиш ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш каби масалалар ёшларнинг бугунги ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Ёшлар масаласига глобал миқёсда қараганда, уни инсон ҳуқуқларидан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги тез ўзгараётган дунёда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш янгича шакл ва мазмун касб этиб бормоқда. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятлари кенгайгани сари шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли тенгсизлиқнинг олдини олиш, интернетдаги хавфсизлик ва ёшларнинг ахборот маконидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тобора долзарблашапти.

Шу нуқтаи назардан инсон ҳуқуқларини таъминлаш фақат давлат институтларининг вазифаси эмас. Бу — бутун жамиятнинг умумий масъулияти.

Янги авлод ёшлари аввалгилардан фарқли равишда глобал жараёнларни бир вақтнинг ўзида кузатиб, уларга муносабат билдирмоқда. Иқлим ўзгариши, миграция, тинчлик ва хавфсизлик, технологик тараққиёт, иқтисодий тенгсизлик каби масалаларда уларнинг ўз фикри, позицияси бор. Ёш парламент аъзоларининг халқаро кўламдаги мулоқоти ана шу фикр ва позицияларини билдириш имкониятини яратди.



Бахтинисо ТУРСУНАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

— Конференция доирасидаги тренинг ва эркин мулоқот шаклидаги параллел сессияларда турли мамлакатлардан келган тенгдошларимиз билан фикр алмашдик. Сессиялар давомида жамият ва сиёсий ҳаётдаги долзарб масалалар, ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштироки, келгусидаги ҳамкорлик



Шаҳзодбек ЕТМИШБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:

— Конференция дастури мазмунан бой ва амалий йўналишда ташкил этилди. Кўн тартибига низола шароитида ёшлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, рақамли даврда ҳуқуқлар ва онлайн хавфсизликини таъминлаш, иқлим барқарорлиги, ёшларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва бандлиги, шунингдек, ёшлар ва хотин-қизларнинг сиёсий иштирокини

истиқболлари ҳақида суҳбатлар олиб борилди. Турли мамлакат вакилларининг бир мавзуда турлича ёндашувларини тинглаш эса ҳар бир масалага кенгроқ нуктаи назардан қарашга ундади.

Мен учун ушбу конференциянинг энг қимматли жиҳатларидан бири — бугун катта сиёсий майдонда фаолият юритаётган йигит-қизлар билан мулоқот қилиш имконияти бўлди. Уларнинг ҳикояларида бизга таниш бўлган бошланғич нуқта бор — ёшлар парламенти, илк ташаббуслар, изланиш ва ўз устида ишлаш.

Турли мамлакат ёшлари ўз тажрибаларини баҳам қўриб, муаммоларга турлича ёндашувларни муҳокама қилиш, умумий қадриятлар — тинчлик, адолат, инсон ҳуқуқлари, тенг имконият атрофида фикр алмашиш ва умумий ечимларни излаш орқали халқаро ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очдилар, десам муболаға бўлмайди.

Кенгайтириш масалалари киритилди. Сессиялар оралиғидаги суҳбатлар чоғида Осиё, Европа, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари вакиллари билан ўз соҳамизга оид амалиётлар, қонунчиликдаги янгилликлар ва ечимини қутаётган умумбашар муаммолар юзасидан фикр алмашдик. Турлича ҳуқуқий тизим ва ижтимоий шароитларда ишлаётган ҳамкасбларнинг ёндашувларини эшитиш кенг қамровли ва танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантирди.

Анжуман якунида қабул қилинган якуний ҳужжат ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ тавсияларни ўзида мужассам этди. Бундай халқаро майдонда иштирок этиш давлат хизматчиси учун нафақат билим ва кўникмаларни бойитади, балки ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш ва миллий манфаатларни халқаро контекстда англаш туйғусини кучайтиради.

Ф. ИБРОҲИМОВА Ёзиб олди.



ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШУВЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

КОРХОНА ИШЧИЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Хар бир мурожаат ортида инсон ҳаёти билан боғлиқ ва ўз ечимини кутаётган муаммо туради. Айниқса, одам ўз меҳнати учун ҳақини ўз вақтида ололмаётган бўлса, бу ҳолат унинг нафақат моддий имкониятлариغا, балки эртанги кунга бўлган ишончига ҳам таъсир қилади.

Тошкент вилоятидаги банкрот ҳолатида бўлган “Оҳангароншифер” АЖ ишчиларининг мурожаати ҳам жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Маълум бўлишича, корхона ишчиларининг иш ҳақи уч йилдан буён тўланмаган. Бу йиллар давомида ўз меҳнати билан корхона фаолиятига ҳисса қўшиб келган фуқароларнинг оилавий ва ижтимоий шароитига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур мурожаат юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Улугбек Шерматов ва Қизилгул Қосимова иштирокида корхона ишчилари билан учрашув ўтказилди. Учрашувда ишчиларнинг дарди ва талаблари батафсил тингланди. Улар ўзларини йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар, иш ҳақи бўйича қарздорлик, банкротлик жараёни ҳамда келгусида ушбу масала қандай ҳал этилиши юзасидан фикр ва таклифларини билдирди.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, корхонанинг банкротлик ҳолатида экани ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Инсон ўз меҳнати учун ҳақ олиши қонун билан кафолатланган ҳуқуқ. Шу нуқтаи назардан, иш ҳақи бўйича юзага келган қарздорликни қонуний тартибда бартараф этиш бўйича аниқ чораларни белгилаш муҳим.

Ўрганиш жараёнида мазкур муаммонинг ечими биргина ташкилот доирасида ҳал бўладиган масала эмаслиги, банкротлик жараёнида иштирок этаётган масъул ва ваколатли ташкилотларнинг ҳамкорлиги зарурлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан банкротлик жараёнида ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, иш ҳақи бўйича қарздорликни бартараф этиш имкониятларини аниқлаш ва масалани қонуний асосда ҳал қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш юзасидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

ГУЛИСТОНДА ИЧКИ ЙЎЛЛАР ҚАЙ АХВОЛДА?

Аҳоли учун йўл — шунчаки бир манзилдан иккинчи манзилга олиб боровчи қатнов қисми эмас. У кундалик ҳаёт, ишга бориш, фарзандларни мактаб ва боғчага элтиш, тез тиббий ёрдам ёки бошқа хизматлардан фойдаланиш, энг муҳими, одамларнинг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши билан бевосита боғлиқ.

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги айрим маҳаллаларда эса ички йўлларнинг бугунги ҳолати аҳолини қатор кўчинчиликларга дуч келтирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Зухра Шодиева сирдарёлик аҳоли вакилларининг мурожаатлари асосида Гулистон туманидаги

“Бахмал” ва “Зарфдор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида бўлиб, ички йўллар билан боғлиқ муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганди.

Ўрганиш давомида маҳалла аҳолиси билан очик мулоқот қилиниб, уларни йиллар давомида қийнаб келаётган масалалар тингланди. Хусусан, Ойқар, Обод, Ёркент, Камолот, Келажаксари, Бахт ва Файзилобод кўчалари аҳолиси ушбу йўللارга асфальт қопламаси ётқизиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш масаласини кўтарди.

Аҳолининг таъкидлашича, айниқса, ёгингарчилик кунларида кўчаларнинг ҳолати янада ёмонлашади. Нотекис ва таъмирталаб йўллар пиёдалар, ёши катталар ва болалар ҳаракатига ноқулайлик туғдириши, транспорт воситалари қатновини қийинлаштириши табиий. Бу эса оддий маиший масала бўлиб қолмай, маҳалладаги одамларнинг кундалик турмуш сифатига бевосита таъсир қилади.

Мурожаатлар ўрганилар экан, мазкур кўчаларни таъмирлаш ва асфальтлаш бўйича аввал ҳам ташаббуслар илгари сурилгани маълум бўлди. Бироқ муайян сабабларга кўра, ушбу лойиҳалар “Ташаббусли бюджет” жараёнида етарли овоз тўплай олмаган. Натижада режалаштирилган ишлар амалга ошмай, аҳоли кутган йўл таъмири ортага сурилган.

Бу ҳолат жойларда аҳоли мурожаатларини чуқур ўрганиш, мавжуд механизмлардан самарали фойдаланиш ва муаммони ҳал этишнинг муқобил имкониятларини излаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Депутат З.Шодиева аҳоли билан мулоқот жараёнида нафақат йўлларнинг бугунги ҳолатини кўздан кечириш, балки муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этиш имкониятлари ва амалий ечимларини ҳам муҳокама қилди.

Сухбатларда аҳоли ўз таклиф ва истакларини билдириб, кўчаларни босқичма-босқич таъмирлаш, энг аввало, аҳоли учун энг зарур ва ҳаракат серқатнов бўлган йўналишларни ободонлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўрганиш натижалари асосида тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд имкониятларни кўриб чиқиш, ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш бўйича амалий чораларни белгилаш юзасидан таклифлар билдирилди.

БАҒДОДДА ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Куз-қиш мавсуми яқинлашар экан, ижтимоий соҳа объектларининг совуқ кунларга қай даражада тайёрлиги алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, мактабгача таълим ташкилотларида бу масала янада долзарб. Чунки бу муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсизлиги, саломатлиги ва таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар йилнинг ҳар қандай фаслида

таъминланиши керак.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Зокиржон Зоҳидов ва Шокиржон Аҳмедов ҳудудий масъуллар билан биргаликда Бағдод туманидаги ижтимоий соҳа объектларининг 2026–2027 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўргандилар.

Ўрганиш жараёнида туман марказида жойлашган 26-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти алоҳида кўздан кечирилди.

Муассаса 90 ўринга мўлжалланган бўлса-да, айни пайтда унда 107 нафар тарбияланувчи қамраб олинган. Бу эса муассасада мавжуд имкониятлардан юқори юкламада фойдаланилаётганини кўрсатади. Шу боис бинодаги шароитлар, хоналарнинг ҳолати ва муҳандислик-коммуникация тизимларининг ишлашига қўйиладиган талаблар янада юқори бўлиши табиий.

Жойига чиққан ҳолда муассасанинг моддий-техник базаси, бино ва иншоотлари, гуруҳ хоналари, ёрдамчи хоналар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, иситиш тизими ҳамда тарбияланувчилар учун яратилган шароитлар атрофлича кўздан кечирилди.

Ўрганиш давомида муассаса биносининг таъмирталаб ҳолатда эканига эътибор қаратилди. Айниқса, куз-қиш мавсумида болалар бўладиган хоналарда иссиқликни барқарор таъминлаш, муҳандислик тармоқларининг ишончли ишлаши ва бионинг умумий техник ҳолати муҳим экани қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, фақат мавсумий таъмир ишларини амалга ошириш билан чекланиб қолмасдан, бионинг умумий техник ҳолатини комплекс баҳолаш зарур. Муассасани капитал таъмирлаш имкониятларини таҳлил қилиш билан бир қаторда, унинг ўрнига замонавий талабларга жавоб берадиган янги мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш масаласини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ўрганишлар давомида тумандаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, қурилиш ва реконструкция ишларининг бориши ҳамда бажарилаётган ишлар сифати кўздан кечирилди.

Масъуллар билан мулоқотда ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, қурилиш ишларида белгиланган талабларга риоя этиш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида тугатиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқланган муаммоларни бартараф этиш, 26-сонли мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар учун муносиб, хавфсиз ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш, муассасанинг куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, 16-сонли умумий ўрта таълим мактабида

“

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ... БУ ШУНЧАКИ МУАММО ВА ТАКЛИФЛАРНИ ТИНГЛАШ ЭМАС. БУ — ХАЛҚНИНГ КЎЗИГА ҚАРАШ, УЛАР ДАРДИНИ ҲИС ЭТИШ, АЙТИЛМАГАН ГАПЛАРИНИ ҲАМ ТУШУНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШДИР. ЗЕРО, ХАЛҚ ВАКИЛИ БЎЛИШ — ХАЛҚ ОРАСИГА КИРИШДАН БОШЛАНАДИ. ХАЛҚ ДАРДИГА ЕЧИМ ИЗЛАШ БИЛАН ЭСА ЎЗИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАЗМУНИНИ ТОПАДИ.

“Ташаббусли бюджет” доирасида амалга оширилаётган қурилиш ва реконструкция ишларини белгиланган мuddатларда ва сифатли яқунлаш, ажратилган маблағларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш юзасидан масъулларга тегишли вазифалар белгилаб берилди. Ижтимоий соҳа объектларининг тайёргарлигини ўрганишдан асосий мақсад — мавсум бошланганидан кейин муаммога дуч келиш эмас, балки муаммони олдиндан аниқлаб, уни ўз вақтида бартараф этишдир. Айниқса, мактаб ва боғчаларда бу ёндашув болаларнинг хавфсизлиги ва муносиб таълим-тарбия олиши учун муҳим аҳамиятга эга.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ОРҚАЛИ ҚУРИЛАЁТГАН ЁПИҚ СПОРТ ИНШОТИ ЛОЙИҲАСИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Бугун ёш авлод учун замонавий ва хавфсиз спорт майдонларини яратиш нафақат жисмоний тарбия масаласи, балки болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ва иқтидорини рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Айниқса, қишлоқ ҳудудларида аҳоли ташаббуси асосида амалга оширилаётган бундай лойиҳаларнинг аҳамияти янада катта. Чунки улар маҳалладаги мавжуд эҳтиёж ва муаммоларни бевосита аҳолининг ўзи белгилаши ва уларни ҳал этишда фаол иштирок этишини таъминлайди.

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Муқаддас Уразалиева Жиззах

вилоятининг Зомин тумани, “Ширин” ҚФЙ ҳудудидаги Қудуқча қишлоғида жойлашган 7-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Ташаббусли бюджет” тизими орқали қўллаб-қувватланган ёпиқ спорт иншоотини барпо этиш лойиҳасининг амалга оширилиш ҳолатини ўрганди.

Депутат маҳаллий масъуллар ва аҳоли вакиллари билан учрашиб, лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар, қурилишнинг бугунги ҳолати, белгиланган вазифалар ижроси ва мавжуд муаммолар билан танишди.

Мулоқот давомида аҳоли ва мактаб жамоасининг фикрлари тингланиб, қурилиш ишларини белгиланган талаблар асосида олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, иншоотни барпо этишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган талабларни бажариш, қурилиш материаллари ва бажарилаётган ишлар сифатини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Зеро, бу иншоотдан асосан болалар ва ёшлар фойдаланади. Шу боис унинг ташқи кўриниши ёки фойдаланишга топширилиш мuddати билан бир қаторда, энг аввало, мустаҳкамлиги, хавфсизлиги ва узоқ йиллар давомида хизмат қилиши муҳим.

Учрашувда аҳоли томонидан мактабга қатнаб ўқийдиган ўқувчилар хавфсизлиги билан боғлиқ яна бир муҳим масала кўтарилди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва болаларнинг мактабга бориб-келишини енгиллаштириш мақсадида пиёдалар йўлакчаси барпо этиш таклифи билдирилди.

Бу таклифнинг ўзи ҳам маҳаллада инфратузилма масалалари бир-бири билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади. Спорт иншооти қурилиши билан бирга, унга олиб боровчи йўл, пиёдалар ҳаракати хавфсизлиги ва мактаб атрофидаги шароитлар эътибордан четда қолмаслиги керак.

Шунингдек, аҳоли ва мактаб жамоаси томонидан ўқувчилар сони ортиб бораётгани инobatга олиниб, келгусида таълим олиш учун зарур шароитларни кенгайтириш мақсадида мактаб ҳудудида қўшимча бино қуриш таклифи ҳам илгари сурилди.

Депутат барча мурожаат ва таклифларни тинглаб, ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратди. Кўтарилган муаммоларни тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кўриб чиқиш, мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш ва амалий ечимларини белгилаш бўйича зарур чоралар белгиланди.

Албатта, ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбат ортида халқнинг умиди бор. Энг муҳими, одамлар олдида кириб бориш, уларни тинглаш ва берилган ваъдаларни уddалашдир. Чунки халқнинг ишончи гап билан эмас, вақт ўтиб кўринадиган натижа билан мустаҳкамланади.

Биз эса депутатларимиз халқ билан бирга бўлиб, мурожаатларни шунчаки тинглабгина қолмай, уларнинг ечими учун амалий ҳаракат қилишларига ишонамиз.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

СЎРОВ, НАТИЖА, ТАҲЛИЛ

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИ



Депутатлик сўровлари ҳақида аввал ҳам кўп ёзганмиз. Уларнинг аҳамияти ва амалий натижаларига тез-тез тўхталамиз. Бу сафар эса кўпроқ сўровлар ортидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирмоқчимиз. Чунки ҳар бир депутатлик сўрови ортида муайян маҳалла, муайян оила ёки инсон тақдири туради.

МУҲИМИ — СИФАТ!

Халқ депутатлари Олмасор тумани Кенгашидаги ЎзХДП депутати Зиё Паризод Азамат кизи томонидан юборилган депутатлик сўрови ўзининг амалий натижасини берди. Яъни сайлов округидаги Мухбир ва Тараққиёт кўчаларида йўл қопламасининг яроқсиз ҳолга келиши сайловчиларнинг эътирозига сабаб бўлаётган эди. Депутат ҳудудга чиқиб, амалга оширилаётган ишлар жараёни билан танишди. Ўрганиш давомида йўл қопламасининг ҳолати, қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати ҳамда белгиланган муддатларга риоя этилиши юзасидан масъуллар билан мулоқот қилинди.

- Сайлов округимдаги мазкур муаммо бўйича фуқаролар бир неча бор мурожаат қилишган, - дейди депутат. - Албатта, йўл масаласи бир қарашда оддий ҳўжалик муаммосидек кўриниши мумкин. Лекин ўша кўчада яшаётган одам учун бу — ҳар куни дуч келадиган қийинчилик. Айниқса, ёғингарчилик пайтида йўлнинг ҳолати пиёдаларга ҳам, транспорт воситаларига ҳам мушкулот туғдиради. Шунинг учун аҳолининг мурожаатини депутатлик сўрови орқали тегишли масъуллар олдига олиб чиқдик. Бугун эса мазкур кўчаларда асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мен ҳудудга чиқиб, иш жараёни билан танишдим. Бу ерда биз учун фақат асфальт ётқизилиши эмас, унинг сифати ҳам муҳим. Шунинг учун йўл қопламасининг сифати, таъмирлаш ишларининг белгиланган талаблар асосида бажарилиши ва муддатларга риоя этилиши бўйича масъуллар билан назорат ўрнатдик.

Менимча, депутатлик фаолиятининг энг зарур жиҳатларидан бири ҳам шу — одамларнинг мурожаатини эшитишнинг ўзи етарли эмас. Имкониятимиз доирасида унинг ечими учун ҳаракат қилишимиз ва жараённи охиригача кузатиб боришимиз керак.

БЕКАТ ХАВФСИЗ ВА ҚУЛАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати С. Камилова томонидан юборилган депутатлик сўровига Қашқадарё вилояти транспорт бошқармаси бошлиғи Б. Язданов томонидан жавоб берилди.

Кимгадир бекатлар шунчаки йўловчилар автобус кутадиган жой бўлиб кўриниши мумкин. Аммо эрталаб ишга ёки ўқишга

шошаётган одам, фарзандини шифохонага олиб кетаётган она, ёши катта инсон учун қулай ва хавфсиз бекат — бу оддий иншоот эмас, кундалик ҳаётдаги зарур шароит.

Қарши шаҳридаги автобус бекатлари билан боғлиқ масала ҳам ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб депутатлик сўровида кўтарилган эди.

Вилоят транспорт бошқармаси томонидан берилган жавобда бу масала бўйича аниқ ишлар режалаштирилгани маълум қилинган.

Кайд этилишича, Қарши шаҳрида 35 та оралиқ ҳамда 5 та бошланғич ва якуний автобус бекатларини қуриш ва жиҳозлаш учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилган. Мазкур маблағ Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармасига йўналтирилган.

Айни пайтда янги бекатларни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза ҳулосасини олиш учун тақдим этилган. Ҳулоса олингач, қурилиш ишлари белгиланган тартибда ташкил этилади.

Яна бир эътиборли жиҳат — янги бекатлар шунчаки исталган жойда эмас, аҳоли учун энг зарур нуқталарда барпо этилади.

2026 йилда қурилиши режалаштирилган бекатлар учун Алишер Навоий, Денов, Ҳасаф ва Мустақиллик кўчаларидаги аҳоли гавжум ҳудудлар, “Она ва бола” маркази, вилоят болалар шифохонаси, деҳқон бозори, Давлат хизматлари маркази ҳамда ОИТС маркази олди танланган.

- Бу рўйхатнинг ўзиёқ масаланинг моҳиятини кўрсатиб турибди. Бекатлар одамлар энг кўп ҳаракатланадиган, тиббий ва ижтимоий хизматларга мурожаат қиладиган нуқталарга яқин бўлади, - дейди депутат.

Албатта, ҳали амалий ишлар олдинда. Лойиҳа, экспертиза ва қурилиш жараёнлари бор. Шунинг учун масалани фақат “маблағ ажратилди” деган жойда тўхтатиб қўйиш эмас, белгиланган ишлар амалда қандай бажарилаётганини кузатиб бориш ҳам муҳим.

— Чунки ҳар қандай депутатлик сўровининг энг катта натижаси қоғоздаги жавоб эмас, одамларнинг ҳаётидаги ўзгаришда аслида...

САБАБЛАР АНИҚЛАНСА, ИШ ОСОНЛАШАДИ

Олдинда совуқ кунлар. Бундай пайтда хонадондаги газ таъминотининг барқарор бўлиши ҳар бир оила учун муҳим. Айниқса, кечаси ҳаво совиб, ёқилғига эҳтиёж янада ортади.

Шундай шароитда газ босимининг пастлиги ёки унинг

бир неча соатга узилиб қолиши оддий ноқулайлик эмас. Бу — хонадондаги кундалик ҳаётга бевосита таъсир қиладиган масала.

Тахياتош туманидаги “Шамширок” маҳалласи, К. Саипов кўчасида яшовчи аҳоли анча пайтдан бери ана шундай муаммога дуч келаётган эди. Маҳалла фаоллари билан учрашув чоғида кўчада табиий газ босимининг пастлиги, айрим ҳолатларда эса кечки пайтдан тонггача газ таъминотида узилишлар кузатилаётгани маълум бўлди.

Масалани ўрганиш учун халқ депутатлари Тахياتош туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Даврон Артиков ҳудудга чиқди.

Ўрганиш давомида муаммо фақат газ босими билан боғлиқ эмаслиги аниқланди. Кўчадаги газ қувурларининг айрим қисмлари ер остида қолиб кетган, бошқа жойларда эса тармоқлар аҳоли хонадонлари олдидан тартибсиз ҳолда ўтказилган. Эскирган қувурлар ҳам газ таъминотидаги узилишларга сабаб бўлаётган омиллардан бири эди.

Шундан сўнг депутат масъул ташкилотлар билан боғланиб, газ қувурларини тартибга келтириш, ер остида қолган қисмларини юзага чиқариш ҳамда эскирган қувурларни янгилаш масаласини кўтарди. Энг муҳими, мурожаат фақат ўрганиш ва масъулларга билдириш билан чекланиб қолмади.

Ҳудуддаги эскирган газ қувурлари янгисига алмаштирилди, ер тағида қолиб кетган қувурлар юзага чиқарилди. Натижада газ таъминотидаги мавжуд муаммолар бартараф этилди. Бир қарашда, бу — газ қувурларини алмаштириш билан боғлиқ оддий техник иш. Аммо унинг ортида ҳар куни шу хонадонларда яшаётган одамларнинг хотиржамлиги бор.

“ЁМЧИ”ДА ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛАДИ

Бойсун тумани Бошрабат маҳалласи фуқаролари депутатимизга “Ёмчи” қишлоғи ҳудудида янги умумий ўрта таълим мактаби қуриш бўйича мурожаат қилишди.

Мазкур масала халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши раиси, депутат Б.Хаитова томонидан депутатлик сўрови орқали тегишли ташкилотлар олдига қўйилди. Хусусан, янги мактаб қурилишини 2027 йилги Давлат инвестиция дастурига киритиш масаласи кўтарилди.

Депутатлик сўровига берилган жавобда эса Бошрабат маҳалласи аҳолиси учун муҳим бўлган ушбу таклиф қўллаб-қувватлангани маълум қилинди. Қайд этилишича, “Ёмчи” қишлоғида 360 ўринли янги мактаб биноси қурилиши режалаштирилган.

Аҳоли кўтарган масаланинг давлат даражасидаги инвестиция режасига киритилиши муаммони ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Бу ерда яна бир жиҳат намоён бўлмоқда: фуқаронинг мурожаати эътибордан четда қолмасе, у тегишли тартибда ўрганилиб, депутатлик сўрови орқали масъул ташкилотлар олдига аниқ масала сифатида қўйилса, муаммонинг ечими учун имконият пайдо бўлади.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Бухоро: САЙЁР ҚАБУЛ

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Нозигул Жўраеванинг навбатдаги сайёр қабули Когон туманининг "Ўртачўл" маҳалласида ўтказилди.



Қабул давомида маҳалла аҳолиси томонидан ижтимоий ва маиший масалалар, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, ободонлаштириш, коммунал хизматлар ҳамда бошқа муаммолар юзасидан мурожаатлар билдирилди.

Депутат ҳар бир мурожаатни тинглаб, муаммонинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни ҳал этиш имкониятларини ўрганди. Айримлари юзасидан тегишли ташкилотлар ва масъул мутасаддиларга вазифалар белгиланди.

Шунингдек, мурожаатларни қонуний ва адолатли ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

Сурхондарё: ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Г.Шафоева "Янгиҳаёт" маҳалласида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишларни ўрганди.



Ўрганиш давомида ичимлик суви тармоғини тортиш жараёни, ишларнинг сифати ва белгиланган муддатларда бажарилиши кўздан кечирилди.

Мазкур ишлар якунлангач, маҳалла аҳолиси учун тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш кўзда тутилган. Депутатлик назорати доирасида ишларнинг сифатли ва ўз вақтида якунланишига эътибор қаратилди.

Андижон: ҚИШЛОҚ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жалақудуқ туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати О.Носиров тумандаги 25-сонли оилавий поликлиникада бўлиб, муассаса фаолияти билан танишди.



Ўрганиш давомида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, профилактик кўриқлар ҳамда диспансер назоратини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, беморларни қабул қилиш сифати, тиббий хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши ва аҳоли учун яратилган шароитлар кўриб чиқилди.

Масъуллар билан суҳбатда поликлиникадаги дори воситалари захираси, уларни сақлаш масалалари муҳокама қилинди. Дори воситалари таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда эҳтиёжманд фуқароларга ижтимоий дориларни ўз вақтида етказиб бериш юзасидан тавсиялар берилди.

Тошкент вилояти: АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан Оҳангарон шаҳридаги 4-сон махсус давлат мактабгача таълим ташкилотида “Қувонч ва меҳр улашайлик” акцияси доирасида навбатдаги тадбир ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Қосимова, партия Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи М.Низомиддинов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси А.Умаралиев, туман-шаҳар кенгашлари раислари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Тадбир доирасида партия депутатлари мактабгача таълим ташкилотида яратилган шароитлар, моддий-техник база ҳамда инклюзив таълим имкониятлари билан танишдилар. Тарбияланувчилар томонидан ижро этилган шеър ва қўшиқлар тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Тадбир якунида болажонларга байрам совғалари улашилди.



ГУРУР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТИ

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИҚ



Бахтиёр МАХКАМОВ,
Мухаммад ал-Хоразмий
номидаги Тошкент
ахборот технологиялари
университети ректори,
иктисодиёт фанлари
доктори, профессор.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, таълим, фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида инсон капиталини ривожлантириш, ёш авлодга замонавий билим ва касб-ҳунар бериш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлигини оширишдек эзгу мақсад мужассам.

Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт

ва киберхавфсизлик инсоният тараққиётининг муҳим омилига айланаётган бугунги даврда ушбу йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлаш алоҳида стратегик аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, мамлакатимизнинг рақамли тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети 35 йиллик мустақиллик давридаги тараққиёт йўли ҳам юртимизда таълим ва илм-фанга берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

ТАРИХ ВА ЗАМОНАМИЗ
УЙҒУНЛИГИ

Университетимиз 1955 йилда Тошкент электротехника алоқа институти сифатида ташкил этилган. Ўтган етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида таълим муассасаси алоқа ва телекоммуникация соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган маскандан замонавий ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект соҳасида етакчи илмий-таълим марказларидан бирига айланди.

Айниқса, мустақиллик йилларида университет фаолиятида туб бурилишлар юз берди. Таълим мазмуни замон талабларига мос равишда янгиланди, моддий-техник база мустаҳкамланди, илмий-тадқиқот фаолияти кенгайди, халқаро ҳамкорлиkning янги механизмлари шаклланди.

2017 йил 15 мартда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан университетга буюк аллома, алгебра ва алгоритмлар илмининг асосчиларидан бири, жаҳон илм-фани тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган Мухаммад ал-Хоразмий номининг берилиши муҳим воқеалардан бири бўлди.

Буюк аждодимиз номини муносиб олиб юриш биз учун катта шараф бўлиши билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Зеро, Мухаммад ал-Хоразмий мероси бугунги рақамли дунёнинг фундаментал асосларидан бири бўлган алгоритмик тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис университетимизда таълим, илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришда «Хоразмий мактаби»га хос аниқ фанларга меҳр, изланиш, янгиликка интилиш ва амалий натижага йўналтирилганлик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда университетимизда 9 та факультет ва 29 та кафедра фаолият юритмоқда. 2025-2026 ўқув йилида университет таркибида Зарафшон факультети ташкил этилгани ҳам ҳудудларда замонавий IT-таълим имкониятларини кенгайтириш йўлидаги қадамлардан биридир.

ЮКСАЛИШНИНГ
АСОСИЙ МЕЗОНИ

Ҳар қандай олий таълим муассасасининг кучи, аввало,

унинг профессор-ўқитувчилари, илмий мактаблари ва илмий салоҳияти билан белгиланади.

Бугунги кунда университетимизда 484 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Уларнинг 52 нафари фан доктори, 226 нафари фан номзоди ҳисобланади. Университетнинг умумий илмий салоҳияти 57,4 фоизга етди. Бу кўрсаткич 2021 йилда 33,7 фоизни ташкил этганини ҳисобга олсак, қисқа даврда илмий салоҳиятни ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилганини кўриш мумкин.

Илмий салоҳиятнинг ўсиши, энг аввало, таълим сифатига, янги илмий ишланмалар яратишга ва ёш тадқиқотчиларни илмий фаолиятга жалб этишга хизмат қилмоқда.

Университетда бугунги кунда 65 та ўқув-илмий лаборатория фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 40 дан ортиги сўнгги тўрт йил давомида ташкил этилди. Бу эса таълим жараёнини назарий билимлар билан чеклаб қўймасдан, амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Сўнгги икки йил давомида 14 та янги лаборатория комплексидан иборат «Ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллект» олий муҳандислик мактаби, Кореянинг KOICA агентлиги маблағлари ҳисобидан 13 та лабораторияни ўз ичига олган «Ливинг Лаб» ҳудуди ҳамда 11 та лабораторияни бирлаштирган «Fab Lab» ҳудуди ташкил этилди.

2026 йилда эса 3 та лаборатория ва «GPU» кластердан иборат «Сунъий интеллект кластери» ишга туширилди. Бу ташаббус университетнинг сунъий интеллект бўйича илмий-тадқиқот ва инновацион салоҳиятини янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Зеро, бугунги рақамли трансформация шароитида сунъий интеллект технологияларини чуқур ўрганиш, миллий маҳсулот ва ечимларни ишлаб чиқиш, малакали мутахассислар тайёрлаш мамлакатимизнинг стратегик вазифаларидан биридир.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК –
ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Бугун тараққиётни халқаро ҳамкорликсиз тасаввур этиш қийин. Чунки замонавий билим ва технологиялар чегараларни тан олмайди.

Университетимиз айни пайтда 37 давлатнинг 205 та университети, 8 та илмий-тадқиқот маркази, 27 та ташкилот ва компанияси билан жами 240 та ҳамкорлик шартномаси, келишув ва меморандумга эга.

ТАЪЛИМ ВА БИЛИМ
МАНБАЛАРИ

Ахборот технологиялари университети сифатида биз учун рақамли таълим имкониятларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари орасида илк бор Coursera платформасидаги 600 дан ортиқ IT курслари фанларнинг мустақил таълим қисмига интеграция қилинди.

Бунинг натижасида 700 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ва 2 500 нафардан ортиқ талаба халқаро IT сертификатларига эга бўлди.

Хорижий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда 1 574 нафар талаба B2 ва ундан юқори даражадаги IELTS ёки CEFR сертификатига эга. Бу кўрсаткич 2024-2025 ўқув йилида 973 нафарни ташкил этган эди.

Бундай натижалар бизга бир нарсани англатади: Ўзбекистон ёшлари дунёнинг энг нуфузли IT майдонларида рақобатлаша оладиган билим, салоҳият ва иқтидор эгаларидир. Бизнинг вазифамиз эса ана шу истеъдодни юзага чиқариш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигини нишонладик. Босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб, бир ҳақиқатга яна бир бор амин бўламиз: мустақиллик бизга нафақат сиёсий ва иқтисодий эркинлик, балки миллий тараққиёт йўлини ўзимиз белгилаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ёшларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини берди.

Бугун Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, ҳар бир янги лойиҳа ва эришилаётган ҳар бир натижа ана шу имкониятларнинг амалий ифодасидир.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – билимга чанқоқ, янгиликка интилувчан, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ёшларимиздир.

Биз учун университетнинг ҳар бир битирувчиси нафақат малакали мутахассис, балки мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, Ватан манфаатларини юксак қадрлайдиган янги авлод вакилидир.

Янги Ўзбекистоннинг рақамли келажагини билимли, иқтидорли ва ватанпарвар ёшларимиз билан биргаликда бунёд этамиз!

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

КЎРИНМАС ДЕВОРЛАР ОРТИДАН ПАРВОЗ

Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мустақиллик йилларида тубдан трансформация қилинди. Давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бу соҳа Янги Ўзбекистон даврида болаларни институционал муассасаларда сақлашдан уларни оилавий муҳитга қайтариш (деинституционализация) ва мустақил ҳаётга тайёрлаш тизимига ўтди.

Ҳар бир бола оила бағрида, ота-она меҳри ва эътибори остида вояга етишга ҳақли. Бироқ, ҳаётнинг бешафқат синовлари сабаб айрим мурғак қалблар бу бахтдан мосуво бўлади. Узоқ йиллар давомида бундай болаларнинг қувонч ва ташвишлари жамиятдан айрилган, "кўринмас деворлар" билан ўралган ёпиқ муассасалар – Меҳрибонлик уйлари ичида мавҳум бўлиб келди. Тўғри, бу муассасаларда болаларнинг қорни тўқ, усти бут эди, лекин қалбларидида бўшлиқ ва келажақ олдидаги кўркүв ҳамда ишончсизлик ҳислари улар руҳиятида синиқ чизгиларни қолдиргани рост.

Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, энг аввало, ана шу деворларни парчалаб, боланинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам "кўприк"лар қуришга қаратилди. Таъкид жоиз бўлса, бу йўналишда ҳам инсон манфаатлари ва унинг реал эҳтиёжларига тўла-тўқис жавоб берадиган мутлақо янги ижтимоий сиёсат шаклланди.

Халқаро тажриба, хусусан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда ISO/ISSA глобал стандартлари

шуни кўрсатадики, ҳеч бир ижтимоий муассаса, қанчалик мукамал шароитга эга бўлмасин, бола учун оилавий муҳитнинг ўрнини боса олмайди. Шунга кўра юртимизда давлат раҳбари томонидан илгари сурган ислохотлар натижасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши билан тизимда туб бурилиш ясалди. Бунда ёпиқ турдаги муассасалар сони bosқичма-bosқич қисқартирилиб, оилавий болалар уйлари, васийлик ва ҳомийлик, кичик ҳажмли болалар уйлари ҳамда тутинган оилалар тизимини ривожлантиришга киришилди.

Ҳар бир маҳалладаги ижтимоий ходимлар эндиликда муаммонинг оқибатлари билан эмас, балки сабаби билан курашмоқда, оилаларни сақлаб қолиш ва болаларнинг ўз оиласида камолга етишини таъминлаш уларнинг асосий вазифасига айланди. Натижада қисқа вақт ичида юзлаб ўғил-қизларимиз оилалар бағрига қайтди.

Бу шунчаки статистика эмас, бу қайта тикланган тақдирлар, порлаган умид-орзулардир.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашдаги энг нозик ҳамда мураккаб bosқич – бу уларнинг 18 ёшга тўлиб, муассаса ёки муқобил парварош тизимини тарк этиш давридир. Илгари бу ёшга етган ўғил-қизлар тўғридан-тўғри очиқ ҳаётга улоқтирилар, натижада ижтимоий мослашув, уй-жой, бандлик ва руҳий тайёргарлик етишмаслиги сабабли турли қийинчиликларга дуч келар эди.

Бундан ташқари, Меҳрибонлик уйи битирувчиларнинг энг катта таъшишлари 18 ёшга тўлган кунда бошланарди.

«Кўринмас деворлар» ортидан чиққач, улар улкан ва номаълум дунёда ёлғиз қолишарди. На яшашга аниқ жойи, на мустақил кун кўриш кўникмаси бор эди...

Бугунги кунда ушбу муаммога ёндашув тубдан ўзгарди. Эндиликда асосий эътибор ижтимоий хизмат кўрсатишнинг сифат стандартлари ва индивидуал интеграция режаларига қаратилмоқда. Бунда, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш мазмуни ва шартларига нисбатан ягона талабларни белгилаш, шунингдек, уларнинг ижтимоийлашуви ва жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, касбий танлов эркинлиги учун шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу болаларга нисбатан кузатув ва кўмак тизими мутлақо янги bosқичга кўтарилди.

Оилавий болалар уйларида, кичик ҳажмли ижтимоий муассасаларда ўғил-қизлар ўз бюджетини бошқариш, овқат тайёрлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятда мулоқот қилишни ўрганмоқда. Уларга давлат томонидан ажратилаётган уй-жойлар шунчаки бошлана бўлиб қолмай, ёшларнинг мустақил ҳаётида илк мустаҳкам пойдевор вазифасини бажармоқда, "Менинг ҳам ўз уйим, Ватаним бор" деган ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Ўз навбатида маҳаллаларга бириктирилган ижтимоий ходимлар умумтаълимни битирган ушбу тоифа болаларнинг кейинчалик олий таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаб, ишга жойлашиши ва оёққа туриб олишигача уларнинг ёнида елкадош бўлаётир. Умуман олганда, бу тизимда фаолият юритаётган ҳар бир муассаса ва мутахассис учун аниқ мезонлар белгиланган. Етим ва ота-она

қарамоғидан маҳрум ҳар бир боланинг жамиятга қанчалик интеграциялашганлиги ва келгусидаги касбий муваффақиятлари ана шу мезонлар замиридаги пировард мақсад ҳисобланади.

Қувонарлики, мамлакатимизда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни хавфсиз ва қўллаб-қувватловчи муҳитда вояга етказиш борасидаги тизимли ислохотлар ўзининг ҳаётий самарасини бера бошлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан биргина жорий йилнинг олти ойида 2 минг 851 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўғил-қизлар "Ёшларга ҳамроҳлик" дастури билан қамраб олинди.

Дастур доирасида улар учун ташкил қилинган ҳайдовчилик курслари, сафарбарлик қақирув резерви ҳарбий хизмати, олий таълим муассасалари тўлов-контракти ва кийим-бош таъминоти каби ижтимоий ёрдамларга 10,1 млрд сўм миқдорида маблағ ажратилди. 331 нафар ёшлар уй-жой билан таъминланди.

Бу рақамлар ортида қўзида қайта умид учқуни чақнаган юзлаб ёшлар табассуми тургани ҳар қандай киши кўнглини кўтарарди. Зотан, инсонпарварлик сиёсатининг ҳақиқий қиймати ҳам ана шу самимий чехраларда ва янги имкониятларда намоён бўлади.

Норой СОАТОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Аҳолини ижтимоий
қўллаб-қувватлаш тизимини
такомиллаштириш бошқармаси
бош мутахассиси.



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати.

Педагогларнинг мажбурий тиббий кўригини рақамлаштириш ва ушбу жараён устидан назоратни янада такомиллаштириш таълим сифати ҳамда эҳтимолӣ коррупцион хавфларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Таълим сифати ҳақида гап кетганда, одатда дарсликлар, педагогларнинг малакаси, замонавий технологиялар, мактабларнинг моддий-техник базаси ва ўқувчиларнинг билим даражаси ҳақида сўз юритамиз. Бироқ таълим жараёнининг энг муҳим иштирокчиларидан бири бўлган педагогнинг соғлиғи масаласига ҳам етарлича эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025-2026 ўқув йили бошида мамлакатимизда 11 118 та умумий ўрта таълим ташкилоти фаолият юритган. Ушбу таълим ташкилотларида 577,7 минг нафар ўқитувчи меҳнат қилган. Демак, педагогнинг соғлиғини назорат қилишни фақат тиббиёт тизимининг вазифаси эмас, балки таълим сифати, ўқувчилар хавфсизлиги, меҳнат унумдорлиги ва инсон капитали билан боғлиқ масала сифатида кўриш лозим. Амалдаги тартибга кўра, умумтаълим мактабларининг педагоглари мажбурий даврий тиббий кўрикдан йилига бир марта ўтиши белгиланган. Шу ўринда муҳим савол туғилади: педагог қўлида тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг бўлиши унинг ҳақиқатан ҳам барча зарур тиббий текширувлардан ўтганини аниқладики?

Айнан шу савол мажбурий тиббий кўрик тизимини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Бу ерда масала маълумотноманинг ўзида эмас,

ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТИББӢЙ КӢРИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ...

балки уни расмийлаштириш жараёнининг қанчалик шаффоф ва ишончли ташкил этилганидир. Ахир педагог тиббиёт муассасасига амалда бормасдан ёки зарур текширувларнинг барчасидан ўтмасдан туриб тегишли тиббий хулосани олиши мумкинлиги билан боғлиқ ҳолатларни инкор қилиб бўлмайди. Бироқ бугунги кунда уларнинг жисмоний саломатлиги билан бир қаторда руҳий-эмоционал ҳолатини мунтазам назорат қилиш зарурияти туғилмоқда. Ишдаги юқори масъулият, доимий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот руҳий зўриқиш ҳамда касбий чарчоққа олиб келиши табиий ҳол. Шу сабабли йиллик мажбурий тиббий кўрик таркибига психологик кўрикни ҳам киритиш муҳим ҳисобланади.

Кўриқда стресс, руҳий зўриқиш ва касбий чарчоқ даражаси қисқа тестлар орқали ўрганилиб, муаммо аниқланган педагогга бепул психологик маслаҳат берилиши керак. Бу педагогни жазолаш ёки ишга яроқлилигини чеклаш учун эмас, руҳий муаммоларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун профилактик чора бўлиши лозим.

Айрим ҳолатларда “шу ишни тезроқ битириш учун озгина пул бериб қўя қолай” деган ёндашув қонуний тартибларни четлаб ўтишга нисбатан мурасили муносабатни шакллантириши мумкин. Бундай ҳолатлар такрорланиши эса вақт ўтиши билан тизимда ишонч ва шаффофликка салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Масаланинг яна бир муҳим томони — ушбу жараённинг таълим сифатига эҳтимолӣ таъсиридир. Албатта, тиббий кўрикдан ўтмаган ҳар бир педагогнинг дарс сифати паст бўлади, деган хулосага келиш тўғри эмас. Бироқ соғлиқ билан боғлиқ айрим муаммолар ўз вақтида аниқланмаса, инсоннинг иш қобилияти ва кундалик фаолиятига таъсир

қилиши мумкин. Доимий чарчоқ, овоз билан боғлиқ муаммолар, турли касалликлар, руҳий зўриқиш педагогнинг касбий фаолиятида муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Шу нуқтаи

Бундай ёндашув қоғозбозликни камайтириш, инсон омилига боғлиқ айрим жараёнларни қисқартириш ва назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

назардан, педагог саломатлиги, унинг меҳнат қобилияти ва дарс жараёни самарадорлиги ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Демак, тиббий кўрикни сифатли, шаффоф ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш нафақат педагоглар саломатлигини муҳофаза қилиш, балки таълим сифати, ўқувчилар хавфсизлиги ва тизимдаги ишончни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан биридир. Бугунги кунда яна бир муҳим масалани ўртага қўйиш лозим: педагог тиббий кўрикдан белгиланган тартибда ва тўлиқ равишда ўтдики? Лаборатория текширувларини топширганми? Қоғоз шаклидаги маълумотнома бу саволга ҳар доим ҳам тўлиқ жавоб бермаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан, назоратнинг асосий мезони фақат “маълумотнома

мавжудлиги” эмас, балки “тиббий кўрикнинг амалда ва белгиланган талаблар асосида ўтказилгани” бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу борада замонавий рақамли технологиялар янги имкониятлар яратиши мумкин. Масалан, “Электрон педагог тиббий кўрик” тизимини жорий этиш орқали ҳар бир педагогнинг мажбурий тиббий кўриги ягона электрон тизимда қайд этилиши мумкин. Унда кўрикдан ўтган сана, тиббий муассаса, зарур текширувларнинг бажарилганлиги ва навбатдаги кўрик муддати каби маълумотлар электрон тарзда юритилади. Бунда, албатта, педагогнинг тиббий сири ва шахсий маълумотлари қатъий ҳимоя қилиниши шарт. Мактаб раҳбариятига унинг ташхислари ёки бошқа махфий тиббий маълумотларини тақдим этиш талаб қилинмаслиги керак. Унга фақат педагогнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтган ёки ўтмаганлиги ҳамда навбатдаги кўрик муддати ҳақидаги зарур маълумотни кўрсатишнинг ўзи етарли. Электрон тизимнинг яна бир муҳим жиҳати — педагог шахсини ишончли идентификация қилиш имкониятидир. Жараёни нисбатан содда тартибда ташкил этиш зарур: педагог шахсини тасдиқлайди, тиббий кўрикдан ўтади, тегишли натижалар электрон тизимга киритилади ва таълим ташкилотига кўрикдан ўтилганлиги тўғрисида электрон тасдиқ юборилади. Бундай ёндашув қоғозбозликни камайтириш, инсон омилига боғлиқ айрим жараёнларни қисқартириш ва назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масаланинг молиявий жиҳати ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Йилига юз минглаб педагог мажбурий тиббий кўрикдан ўтадиган тизимда давлат маблағларидан

фойдаланишнинг шаффофлиги муҳим аҳамият касб этади. Бир йилда қанча педагог тиббий кўрикдан ўтказилгани, бунинг учун қанча маблағ сарфлангани, бир нафар педагог учун ўртача харажат қанча бўлгани ва хизматларни қайси тиббиёт муассасалари кўрсатгани ҳақидаги умумлаштирилган статистик маълумотларни очиклаш жамоатчилик назоратини таъминлайди. Шунингдек, педагогларнинг йиллик тиббий кўригини янги ўқув йилига тайёргарлик жараёни билан мувофиқлаштириш имкониятини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда педагогга қўшимча бюрократик юклама юклаш эмас, балки янги ўқув йилини тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтган педагоглар билан бошлаш учун қўлай шароит яратиш бош мақсад саналади. Аввало, педагогларнинг мажбурий тиббий кўригини электрон назорат қилиш имконини берувчи ягона тизим яратиш, тиббий кўрикка келган педагогнинг шахсини ишончли идентификация қилиш, қоғоз маълумотномалардан электрон тасдиқлаш тизимига босқичма-босқич ўтиш, навбатдаги кўрик муддати яқинлашганда автоматик электрон хабарнома юбориш, эҳтимолӣ қоидабузарлик ва коррупцион хавфларни аниқлашга қаратилган электрон мониторинг механизмларини жорий этиш ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тиббий кўриқлар бўйича умумлаштирилган статистик маълумотларни очиклаш каби чораларни кўриб чиқиш мумкин. Бугун мактабларда электрон кундалик, электрон ҳужжат айланиши ва рақамли таълим технологиялари тобора ривожланиб бормоқда. Шундай экан, педагогларнинг мажбурий тиббий кўригини ҳам замонавий рақамли тизимга ўтказиш масаласини кун тартибига қўйиш вақти келди.



Раҳимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Атроф-муҳит мусоффолиги, аҳоли учун соғлом ва қўлай яшаш инфратузилмасини таъминлаш инсон саломатлиги, экологик барқарорлик, иқтисодий самарадорлик ва келажақ авлод олдидаги масъулият билан боғлиқ масала. Айниқса, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш бугун ҳар бир ҳудуд учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки аҳоли сони, истеъмол ҳажми ортиб боргани сари чиқинди миқдори ҳам кўпаймоқда. Демак, уни шунчаки йиғиш ва полигонларга жойлаштириш эмас, балки саралаш, қайта ишлаш ва иқтисодиётга қайтаришнинг замонавий тизимини яратиш зарур.

Тўғриси, узоқ йиллар давомида чиқинди

ЧИҚИНДИ МУАММО ЭМАС, БАЛКИ СОФ ФОЙДА

масаласига асосан тозалик ва ободончилик муаммоси сифатида қараб келдик. Чиқинди йиғилди, олиб кетилди, полигонга жойлаштирилди — вазифа бажарилди, деб ҳисобладик. Аммо бу ёндашув энди етарли эмас. Бугун чиқинди оддий коммунал масаладан иқтисодий, экологик ва ижтимоий ислохотлар йўналишига айланмоқда. Биз ташлаб юбораётган қоғоз, пластик, шиша, металл ва бошқа материалларнинг катта қисми қайта ишланиши, янги маҳсулот учун хомашё бўлиши мумкин. Яъни чиқиндида тўғри ёндашув бир вақтнинг ўзида ҳам табиатни асраш, ҳам иқтисодий қиймат яратишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан чиқиндини шунчаки олиб чиқиб кетиш эмас, уни саралаш, қайта ишлаш ва иқтисодиётга қайта киритиш тизимини шакллантириш айти муддао. Айтиш керакики, Хоразм вилоятида бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2026 йилнинг 8 ойи давомида вилоят аҳолисидан 236 минг 713 тонна қаттиқ маиший чиқинди олиб чиқилиб, полигонларга жойлаштирилган. Аҳолига чиқинди хизматларини кўрсатиш ва тўловларни ўндириш тизими муайян даражада йўлга қўйилгани ўзининг амалий натижасини бермоқда. 236 минг тоннадан ортиқ чиқинди таркибида 2 484 тонна полиэтилен ва



пластмасса, 3 644,2 тонна қоғоз ҳамда 1 300 тонна шиша йиғилган. Булар эса қайта ишлаш учун тайёр хомашё. Бу рақамларга фақат экологик кўрсаткич сифатида қараш тўғри эмас. Уларнинг ортида иқтисодий имконият ҳам бор. Сараланган қоғоз — янги қоғоз маҳсулотлари учун хомашё, пластмасса — қайта ишланадиган материал, шиша эса қайтадан ишлаб чиқариш жараёнига қайтарилиши мумкин. Шу маънода Урганч туманида корейлик инвесторлар иштирокида республикада илк бор чиқиндиларни ёпиқ цикл асосида қайта

ишлаш ва 71 мегаватт қувватга эга “яшил” энергия ишлаб чиқариш лойиҳаси алоҳида диққатга молиқдир. Лойиҳа учун 100 миллион доллар инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Қайта ишлаш жараёнининг самарадорлиги, аввало, чиқиндини тўғри саралашдан бошланади. Шунинг учун чиқиндиларни манбада, яъни хонадонлар, маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда алоҳида йиғиш амалиётини босқичма-босқич кенгайтириш муҳим. Бошқача айтганда, маҳаллаларда саралаш контейнерларини кўпайтириш, иккиламчи хомашёни қабул қилиш пунктларини ривожлантириш, сараланган чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарга етказиб беришнинг аниқ ва шаффоф тизими керак. Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш билан боғлиқ муаммо (Хоразмда йил бошидан бери 799 та ана шундай ҳолат аниқланган) нинг олдини олиш, бунинг учун аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, айтиқса, ёшларда табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш, маҳаллаларда тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ҳам олдимизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади. Унутмайлик, чиқиндиларни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали биз нафақат табиатни асраймиз, балки иқтисодиётга миллиардлаб маблағларни қайтарамиз, янги иш ўринлари яратамиз ва арзон хомашё базасини шакллантирамыз.

ХОРИЖДА СИЁСАТ

Жаҳон харитасидан миттигина жой эгаллаган, аммо аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган Люксембург давлати — сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликнинг ёрқин намунасидир. Бугунги кунда дунёдаги ягона Буюк Герцоглик мақomini сақлаб қолган ушбу мамлакат муваффақиятининг сири нимада? Олтин захираларидами ёки қулай географик жойлашувда? Аслида, бу муваффақият ортида тарихий синовлардан ўтган, энг муҳими, инсон манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ўзига хос парламент тизими ётибди.

РАМЗИЙ КЕНГАШДАН ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ САРИ

Люксембургнинг қонун чиқарувчи органи бўлиши Депутатлар палатаси (Chambre des Députés) бугунги қудратли ва мустақил қиёфасига бир кунда эришгани йўқ. Тарихга назар ташласак, 1841 йилдаги биринчи Конституцияга кўра, бу орган мутлақ монарх кўл остидаги фақатгина маслаҳатгўйлик ваколатига эга бўлган 34 кишилик рамзий ассамблея эди. У даврда оддий халқнинг овози қарорлар қабул қилиш жараёнида деярли эшитилмас, давлат тақдири ва бойликлари фақатгина тор доирадаги элита манфаатларига хизмат қиларди. Бироқ, жамиятнинг сиёсий онги ўсиб, ижтимоий адолатга бўлган талаб қучайиб боргани сари 1919 йилга келиб мамлакат ҳаётида туб бурилиш ясалди: сайловларда фақатгина бадавлат қатламга овоз бериш имконини берувчи адолатсиз тизим бекор қилинди. Энг аввало, ишчилар, деҳқонлар ва ўрта қатлам вакиллари давлат бюджетни қандай тақсимланиши ва қандай қонунлар қабул қилинишида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Ҳокимият монархдан расман халқ кўлига ўтди ва жамиятда ижтимоий тенгликнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Демократик тараққиёт шу билан тўхтаб қолмади. 2008 йилда Депутатлар палатаси ва ҳукумат бир овоздан Буюк Герцогнинг қонунларни тасдиқлаши (қироллик розилиги) ҳақидаги конституциявий талабни ҳам бекор қилди. Бу шунчаки қозғошга ўзгариш эмасди. Бу — мамлакат тақдирига оид ҳар қандай муҳим қарор, ҳоҳ у ижтимоий ҳимоя бўлсин, ҳоҳ солиқ сиёсати, ҳеч қандай монархнинг аралашувисиз, тўлиқ халқ вакилларининг хоҳиш-иродаси билан ҳал этилишини таъминлади. Халқ ўзи келажагини ўзи қуришдек мутлақ суверенитетга эришди.

Бугунги кунда парламент 60 нафар депутатдан ташкил топган. Бундай ихчамлик ва орқалча бюрократиянинг йўқлиги жамият учун нимаси билан манфаатли? Биринчидан, қарорлар тез ва самарали қабул қилинади — давлат турли хил ижтимоий ва иқтисодий инқирозларга зудлик билан муносабат билдира олади (масалан, фавқулодда ҳолатлардаги тезкор кўмак дастурлари). Иккинчидан, 60 нафар депутатнинг ҳар бири оддий сайловчи учун очик ва яқин. Халқ вакиллари баланд минбарларда эмас, балки одамлар орасида юради, шу боис қабул қилинаётган қонунлар



ЛЮКСЕМБУРГ ПАРЛАМЕНТИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



реал ҳаётдан ўзилиб қолмайди ва бевосита инсонларнинг кундалик турмушини яхшилашга хизмат қилади.

САЙЛОВЛАРДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚ ЭМАС, МАЖБУРИЯТ!

Люксембург сиёсий тизимининг биз учун энг ғайриодатий ва ҳайратланарли жиҳати шундаки, бу давлатда сайловларда овоз бериш шунчаки фуқаролик ҳуқуқи эмас, балки қатъий қонуний мажбурият саналади. Бир қарашда, бу қоида инсоннинг демократик эркинлигини чеклашдек, гўёки одамларни мажбурлашдек туюлиши мумкин. Аммо масаланинг ижтимоий ва сиёсий моҳиятига тереңроқ қаралса, манзара бутунлай ўзгаради.

Ушбу қатъий тартиб жамиятда юксак сиёсий маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос «генератори»га айланган. Аҳоли, айниқса, ёшлар давлат тақдирига четдан туриб бефарқ қарай олмайди. Айнан шунинг ҳисобига сайловчилар давомати доимий равишда 90 фоизга яқин кўрсаткични қайд этади. Бундан ташқари, мажбурий овоз бериш тизими сиёсатчиларни ҳам бутун жамият билан ҳисоблашишга мажбур қилади — улар фақатгина маълум бир фаол қатламнинг эмас, балки барчанинг, шу жумладан, сиёсатга энди кириб келаётган ёшларнинг манфаатини ўйлаб қарор чиқаришга мажбумдир. Бундай шаффоф муҳитда

ҳар бир фуқаро ўзининг битта овози эртанги солиқлар миқдори қандай бўлишини, уй-жой нархларини ёки транспорт тизимининг сифатини бевосита ҳал қилаётганини аниқ англайди. Шу боисдан ҳам, оилада, мактаб ва университетларда сиёсий фаоллик бўйича қуруқ тарғиботга ўрин қолмайди, чунки бу жараён кундалик турмуш тарзига айланиб улгурган. Ёшлар жамиятнинг пассив кузатувчиси эмас, балки унинг фаол бунёдкори бўлиш масъулиятини болалигиданок ўз елкасига олади.

ҚОНУНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Хўш, энг бой давлат парламенти фақат глобал иқтисодиёт билан бандми? Йўқ. Бугунги Люксембург парламентининг кун тартибидаги асосий масалалар бевосита оддий халқ ва ёшларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ. Люксембург тажрибасида бунинг ёрқин мисоли сифатида 2017 йилда муҳим институционал қарор қабул қилинганини кўриш мумкин. Уша йили мамлакатдаги «Тенг муносабатлар маркази» (CET) ижро этувчи ҳокимият — вазирликлар тасарруфидан тўлиқ олиниб, бевосита халқ вакиллари органларига — парламент қарамоғига ўтказилди. Аввало, ушбу қадам ҳар қандай фуқаро — у қайси миллат, дин, ижтимоий қатлам ёки дунёқарашга эга бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқлари давлатнинг

идораларидан мустақил равишда, энг юқори миқёсда ҳимоя қилинишига бўлган ишончни тубдан оширди. Ижро этувчи тузилмалардан мустақил бўлган марказ эндиликда фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, турли камситилишларнинг олдини олиш ва адолатни қарор топтиришда чинакам эрки бор мустақил «ижтимоий қалқон»га айланди. Бу эса жамиятда ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаб, ҳар бир инсон ўзини давлат ҳимоясида ҳис этишини бугунгача таъминлаб келмоқда.

Сир эмаски, Люксембургнинг бекиёс иқтисодий жозибадорлиги бутун Европадан юқори малакали мутахассисларни ўзига оҳанрабодек

тортади. Бироқ бу жараён танганинг иккинчи томонини — кўчмас мулк ва ижара нархларининг осмон қадар кўтарилиб кетишини келтириб чиқарди. Хўш, бундай шароитда маҳаллий ёшлар ва ўрта маошга яшовчи оилалар қандай бошпанали бўлади? Бу ўткир ижтимоий муаммонинг ечими бўйича қонунчилик палатасидаги барча етакчи партиялар бир ёқадан бош чиқариб, аҳоли учун ҳамёнбоп бўлган ижтимоий уй-жойлар фондини кенгайтиришни биринчи рақамли вазифага айлантирган. Давлат ёш оилаларни тизимли қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат молиявий кўмак бермоқда, балки янги уй-жойлар қурилишини тезлаштириш учун соҳадаги орқалча қозғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни қонун йўли билан дадил олиб ташламоқда.

Одатда, кўпчилик Люксембург иқтисодиётини фақатгина молия ва банк сектори билан боғлайди. Аммо парламент мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш, яъни кўп тармоқли қилиш мақсадида бутунлай янги ва инновацион йўналиш — коинот саноатини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Энг қизиғи, қонунчилик палатаси ҳаттоки астероидлардан (коинот жисмларидан) фойдали қазилмалар қазиб олишдек ўта замонавий дастурларни молиялаштиришга оид тарихий қонунларни қабул қилмоқда. Тўғри, бундай глобал ва мураккаб лойиҳаларнинг оддий жамиятга, хусусан, ёшларга қандай фойдаси бор, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Аслида, мазкур қарорлар замирида катта ижтимоий ҳимоя ётибди. Давлат бу орқали бугунги ёшлар учун ўн-йигирма йилдан кейин ҳам долзарблигини йўқотмайдиган, юқори маошли ва технологик иш ўринларини ҳозирданок кафолатламоқда. Бошқача айтганда, парламент фақатгина бугуннинг муаммолари билан чекланиб қолмай, келажақ авлоднинг эртага ишсиз қолмаслигини, янги авлод вакилларининг жаҳон меҳнат бозорига энг талабгир ва рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишини таъминламоқда.

Люксембург тажрибаси шунини кўрсатадики, давлатнинг қудрати унинг майдони қанчалик катталиги ёки табиий ресурсларининг кўплиги билан ўлланмайди. Асл қудрат — халқчил парламентнинг тарихий эволюциясида, қонунларга сўзсиз итоат этиш маданиятида ва қабул қилинаётган ҳар бир қарор, энг аввало, оддий инсоннинг, келажақ авлоднинг кундалик ҳаётини яхшилашга хизмат қилишидадир.

Азим АХТАМОВ.



ЖАДИДЛАР ҲИКМАТИ



Таниқли ўзбек маърифатпарвари, шоири, тилшуноси, тарихчиси ва жадидчилик ҳаракатининг йирик вакилларида бири — Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862–1937 йй.) Наманган вилояти Тўрақўрғон қишлоғида зиёли оилада туғилган.

Ибрат ўз даврининг энг маданиятли ва кўп тил биладиган инсонларидан бўлиб, араб, форс, рус, ҳинд ва турк тилларини мукаммал эгаллаган. 1886 йилда Тўрақўрғонда, кейинчалик Наманганда маҳаллий ёшлар учун янги усулдаги (жадид) мактабларни ташкил этган ва улар учун дарсликлар ёзган. Наманганда биринчи босмахона — "Матбааи Исҳоқия"га асос солган. Бу ерда илмий, адабий ва маърифий китоблар, газеталар чоп этилган. У кўплаб муҳим илмий ва тарихий асарлар муаллифидир.

Илм бўлса, мактаб бирла бўлур. Мактаб бўлмаса, оламни бутун ваҳшиёт тутуб, ҳам(м)а хароб бўлуб, иш қўлдин кетар. Эмди, лозим бўлдики, маданият илм илан, илм мактаб илан бўлур.

Бизнинг ёшлар, албатта, илм оладурлар, чунки илм дунёнинг чироғидур.

Илмни фақат тилда эмас, дилда ва амалда кўрсатмоқ лозимдур, акс ҳолда у қуруқ дарахт каби беҳосил қолур.

Жаҳон бекатида тўхтаб қолган миллат ҳалоқатга маҳкумдир, биз илм ва техника билан олдинга юришимиз керак.

Бизнинг ёшлар ўз она тилларини мукаммал билсинлар, шу билан бирга бошқа тилларни ҳам ўргансинлар. Зеро, ўзга тилни билиш дунё эшикларини очадур.

Тил — миллатнинг руҳидир. Руҳини йўқотган миллат ўзлигини ҳам йўқотадур.

Матбаа ва газета — халқнинг кўзи ва қулоғидир. Улар орқали миллат ўз аҳволидан хабардор бўлур ва уйғонур.

Тарбия биринчи навбатда оиладан ва мактабдан бошланур. Тарбиясиз берилган илм эса жамият учун зарар келтириши мумкин.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 937. 3730 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.